

Рўзадорлар учун Райён эшиги очилур



19:00 / 01.05.2020 2313

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Рамазон рўзасини иймон ила савоб умидида тутса, унинг аввалги гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда рўзанинг нақадар улкан ибодат эканлиги, унинг қадри нақадар улуғлиги очиқ-ойдин баён қилинмоқда. Шу билан бирга, рўзани иймон, ихлос билан, фақат Аллоҳнинг Ўзидан савоб умид қилган ҳолда тутиш зарурлиги таъкидланмоқда. Банданинг ўтгану қолган гуноҳларининг мағфират қилиниши Аллоҳнинг улуғ марҳаматидир. Бу марҳаматга эса банда Рамазон рўзасини тутибгина эришиши мумкин.

Албатта, мусулмонлар бу ҳақиқатни яхши тушунган ҳолда Рамазондан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилурлар.

Саҳл розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, у Райён деб номланур. Қиёмат куни рўзадорлар ундан кирурлар, улар билан бирга улардан бошқа бирортаси кирмас.

«Рўздор қаерда?» дейилур. Улар ундан кирурлар. Уларнинг охиргиси кирганда, у бекитилур. Бошқа ҳеч ким ундан кирмас», дедилар».

Икки Шайх ва Насайи ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда охиратда рўза ибодатининг фазли бошқа ибодатлардан кўра қанчалик улуғ бўлиши баён қилинмоқда.

Қиёмат куни рўздорлар жаннатга киришлари учун Райён исмли алоҳида эшик очилар ва ўша эшикдан «Рўздорлар қани?» деб чақирилар экан. Шундан сўнг улар жаннатга киритилар, рўздорларнинг ҳаммалари кириб бўлганларидан кейин бошқа ҳеч ким киритилмай, у эшик бекитиб қўйилар экан. Рўздорларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, улар учун алоҳида эшик очилиб, ана шу эшикдан алоҳида кирар эканлар.

Буни ҳозирги кундаги ҳамма киришни хоҳлаган жойларга маълум сабабларга кўра баъзи кишиларга имтиёз берилиб, уларнинг алоҳида эшикдан киритилишига қиёслаш мумкин.

Қиёмат куни ҳамма жаннатга тезроқ киришга уриниб турган бир пайтда рўздорларга имтиёз берилиб, «Райён» номли махсус эшикдан киритилишлари ҳаммамиз бу дунёда рўздорлардан бўлиб, ўша эшикдан ҳурмат билан жаннатга кириш бахтига эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоғимиз кераклигини билдиради. Илоҳим, барчамизни ана шулар жумласидан қилсин!

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан